

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ  
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ  
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ  
БОШҚАРМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ БўЛИМИ

*О.Абдураимов, М.Султонов*

ЧИГИТНИ ПЛЁНКА ОСТИГА  
ЭКИШ ТЕХНОЛОГИЯСИННИНГ  
АГРОТЕХНИК ТАЛАБЛАРИ ВА  
УЛАРНИ БАЖАРИШ ЙЎЛЛАРИ

(ҚЎЛЛАНМА)

«ANDIJON NASHRIYOT-MATVAA»  
очиқ акциядорлик жамияти  
2006

42.16 Толдай йигириладиган

ҲСИЛДИКЛАР

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази Андижон вилояти бўлими ҳузуридаги Илмий кенгашнинг 2005 йил 22 дебрдаги мажлиси 2-сон баённомаси билан нашр этишга тавсия қилинган

**Таҳрир ҳайъати:** А.Сойназаров, Ю.Додобоев, О.Якубжонов,  
Д.Султонов, А.Усмонов, А.Тиллабоев

**Тақризчилар:**

М.Тошиболтаев - техника фанлари доктори,

О.Маҳмудов - қишлоқ хўжалиги фанлари доктори,

А.Тиллабоев - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
қишлоқ хўжалиги ходими

10 32195  
Og.

Абдураимов О., Султонов М..


Чигитни плёнка остига экиш технологиясининг агротехник талаблари ва уларни бажариш йўллари. Кўлланма - Андижон, «ANDIJON NASHRIYOT-MATBAA» ОАЖ, 2006 йил. 36 бет.

Чигитни плёнка остига экиш технологияси - ҳосилдорликни 45-50 центнерга ётказиш, сувни, ёқилгини тежаш, минерал ўайтлар самара-дорлигини ошириш, пахта толаси, уруғлик чигит сифатини яхшилаш, экологияни сақлаш, ширкат ва фермер хўжаликлари иктисадиётини мустаҳкамлаш имкониятини беради. Бунинг учун технологиясининг агротехник талабларига қатъий риоя қилиш зарур.

Ушбу кўлланма ширкат ва фермер хўжаликларининг раҳбарлари, мутахассислари ҳамда барча авъзолари учун, шунингдек, қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртлари ва коллежлари талабалари учун мўлжалланган.

Андижон вилоятининг  
3. М. Бабур номли китубхонаси  
42.162 (5Узб)  
A-15.

© О.Абдураимов, М.Султонов  
2006.  
© «Andijon nashriyot-matbaa»  
ОАЖ, 2006



10

«Бизнинг асосий мақсадларимиз қўйидагилардан иборат:  
биринчидан, пахта ҳосилдорлигини ошириш;  
иккинчидан, пахта толасининг сифатини яхшилаш;  
учинчидан, юқори сифатли уруғлик етиштириши  
кўпайтириш ва шу йўл билан уруғчилик маданиятини ошириш;  
тўртинчидан, экинларни суғоришда сувни тёжаш;  
бешинчидан, атроф-муҳитни соғломлаштириш,  
экология вазиятини яхшилаш».

*И. Каримов.*

## КИРИШ

### **Нима учун чигитни плёнка остига экиш зарурати туғилди?**

Ўзбекистон - дунёда пахта етиштирадиган энг шимолий мамлакат. Республикаизда Кўёш нур сочиб туришининг йиллик давомийлиги 2500-3000 соатга етади. Ҳаво намлигининг пастилиги буғланувчанлик даражасининг юқорилигини белгилайди ва республика шимолида у йилига 900 миллиметрни, жанубда 1500 миллиметрни ташкил этади.

Минтақамизда сунъий суғоришиз пахта етиштириб бўлмайди. Чунки бу худудга тушадиган табиий ёғин миқдори ўсимликларнинг, жумладан ғўзанинг намликка бўлган талабини қондира олмайди. Фақат айrim ерлардагина чигит баҳорги табиий намлик ҳисобига кўшимча суғоришиз ундириб олинади. Шу билан бирга баҳорги қисқа ёғингарчиликлар дала ишларини мураккаблаштириб юборади. Ўсимлик илдизи атрофида қатқалоқ пайдо бўлиб, унинг ривожланишини кечиктиради, кўп ҳолларда уруғ текис унмайди. Тўсатдан ёғадиган ёмғирлар ҳам ниҳоллар ривожланишига жиддий таъсир кўрсатади. Бундай об-ҳаво ғўза ниҳолларини нобуд қиласи, айrim майдонларда чигитни такрор экишга тўғри келади.

Республикамизининг пахтачилик зоналарида кўп йиллик ўртача иссиқ кунлар сони 155-255 га тенгдир. Ҳароратнинг тўсатдан пасайиши иссиқлик ресурслари камайиб кетишига олиб келади. Агрометеорология маълумотларига кўра, пахтачилик учун ўта хавфли метеорологик ҳодисалардан бири ёзда содир бўладиган курғоқчиликдир. Гармселнинг кучли келиши ва чўзилиши ўсимликларнинг бутунлай нобуд бўлишига олиб келиши мумкин. Бундай кунлар Амударёning куий оқимида 8 кунни, Фарғона водийси ва Тошкент вилоятида 9 кунни, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳасида 25 кунни ташкил этади. Баъзан эса уларнинг сони тегишли равишда 35, 45 ва 85 кунга чўзилиши мумкин.

Тошкентда июл ойининг ўртача ҳаво ҳарорати ҳар йили ўрта ҳисобда  $0,0054^{\circ}\text{C}$  га ошиб, 100 йилда  $0,5^{\circ}\text{C}$  га, январ ойининг ҳарорати эса  $0,024^{\circ}\text{C}$  га ёки 100 йилда  $2,4^{\circ}\text{C}$  га кўтарилиган. Бу - иқлимнинг йилдан-йилга исиб бораётганлигидан далолатdir.

Иқлим ўзаришидан келиб чиқадиган вазият, бозор шароитидаги иқтисодий муаммолар мамлакат валюта тушумининг 55 фоизини бераётган пахтачиликни ривожлантиришда туб бурилиш қилиш заруратини туғдирди. Ана шу зарурат «пахтачиликда Андижон услуги» деб ном олган чигитни плёнка остига экиш технологиясининг вужудга келишига туртки бўлди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 22 ноябрдаги «Ғўзани плёнка остида ўстиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги 410-сонли қарори бу технологияни тажрибадан давлат сиёсати даражасига кўтарди. Натижада пахтачиликда ҳосилдорликни ошириш, хўжаликлар иқтисодиётини ривожлантириш ва дехқон меҳнатини муносаб рағбатлантириш учун шароит яратилди.

Андижон вилоятида ушбу технологиянинг жорий этилиши туфайли эришилган натижалар алоҳида зътиборга лойик. Усулдан тўғри фойдаланган юзлаб бош пурратчилар, ўнлаб ширкат ва фермер хўжаликлари жамоалари йил сайин пахтадан мўл ҳосил етиширишга муваффақ бўлмоқдалар.

Избоскан туманидаги А.Тиллабоев номли ширкат хўжалигида технология барча экин майдонларида қўлланиб, ҳар йили гектар бошига 38-42 центнердан ҳосил олинмоқда. 2005 йилда 1007 гектар майдонда «Андижон-35» навли чигит қўшқатор схемада экилиб, ҳосилдорликни гектар ҳисобига 42 центнердан оширишга эришилди. Шимолий худуд саналган Жалакудук туманидаги «Ёрқишлоқ», А.Темур номли, «Бештол» ширкат хўжаликларида ҳам бу усул ўзини амалда оқламоқда.

Пахтаобод туманидаги аксарият экин майдонларида 60x12, 60x15 схемаларида чигит экилади. «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги ўрамидаги А.Сиддиқов бошлиқ фермер хўжалигининг тажриба майдонига 2005 йил 26 апрелда С-65-24 навли чигит 90(60x30)x12-1 схемасида экилди. Экин қатор оралари бор-йўғи икки марта култивация қилиниб, икки марта сув қўйилди. Кетмон чопиги ўтказилмади. Кузга бориб, бу майдондан гектаридан бир теримдаёқ 46 центнердан ҳосил олинди.

Бироқ, кейинги йилларда бир қатор ширкат ва фермер хўжаликларида ушбу усулнинг агротехник талабларига қатъий риоя қилинмаганлиги, аксарият майдонларга чигит якка қатор схемада экилганини, гербицид ва стимуляторлардан фойдаланишга етарли эътибор берилмаганлиги, мутахассис ва оиласвий пудратчилар ишининг сифати зарур даражада назорат қилинмаганлиги оқибатида технологияни жорий этишда қўпол хатоларга йўл қўйилди. Бундай хатоликлар технологияга нисбатан эътиrozлар келиб чиқишига сабаб бўлди.

Мазкур қўлланма ана шу эътиrozларга жавоб тарқасида технологияни қўллашдаги камчиликларни барта-раф этишга кўмаклашиш, энг асосийси, унинг асл моҳиятини тиклаш мақсадида ишлаб чиқилди. Ундан ширкат ва фермер хўжаликларининг раҳбарлари, мутахассислари ҳамда барча аъзолари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги олий ўкув юртлари ва коллежлари талабалари фойдаланишлари мумкин.

«Улуа мақсад олдида турганингда  
мөҳнатни роҳат бил»  
(Араб мақоли)

## ТЕХНОЛОГИЯНИНГ АГРОТЕХНИК ТАЛАБЛАРИ ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯЛАР

<i>Агротехник талаблар</i>	<i>Талабларни бажариш бўйича кўрсатма ва тавсиялар</i>
<b>Чигитни плёнка остига экиш учун майдон танлаш</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>● кучли шўрланмаган</li> <li>● тошсиз</li> <li>● кўп йиллик бегона ўтларни билан (ажрик, ғумай, қора шўра, рак, қамиш, саломалайкум) нисбатан кам зарарланган</li> <li>● сизот сувлари камида 1-1,5 метр чуқурликда жойлашган майдонларни танлаш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Ширкат хўжалиги бош ҳосилоти, фермер хўжалиги раҳбари томонидан контурлар танланиши келади.</li> <li>● Оилавий пудратчиларнинг, фермер хўжалиги аъзоларининг ҳар бирига 1-1,5 га дан ер шартнома асосида бўлиб берилиши зарур</li> </ul>
<b>Далаларни ғўзапоя ва кўп йиллик бегона ўтлар қолдикларидан тозалаш</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>● Далаларни ғўзапоя ва кўп йиллик бегона ўтларнинг илдизларидан тозаланган бўлиши лозим</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Далаларни ғўзапоядан тозалашда К-4А ва КВ-3,6А маркали ғўзапоя юладиган-қатор уюмлайдиган машиналардан фойдаланиш.</li> <li>● Илдизпояли ўт босган майдонларни ағдаргичлари очиб олинган</li> </ul>

	<p>плуг билан 18-20 см чуқурлиқда юмшатиш.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>● Илдизпояли ўтлар остини ЧКУ-4 чизел-култиватори билан юмшатиб, тупрок юзасига чиқариш, БЗТХ-1,0 тишли боронаси ёрдамида түплаш ва даладан ташқарига чиқариб ташлаш.</li> <li>● Илдизпояли ўтлар кўп тарқалган участкаларда чизел-култиватор ва тишли боронани майдонларнинг диагоналлари бўйлаб икки мартадан ишлатиш</li> </ul>
--	--

#### Дала четларини ва ариқларни текислаш

● Экин майдонларидан тўла фойдаланиш ва уларни яхлит тўртбурчак ҳолига келтириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Даланинг четлари ва уватларини булдозерлар билан қирқиш ва текислаш.</li> <li>● Ариқларни ГН-4А, ГН-2,8 грейдерларининг пичоқлари ёрдамида кўмиш, КЗУ-0,3В машинаси воситасида текислаш</li> </ul>
---	---

#### Шартнома тузиш

● Ширкат хўжалиги раҳбари бош мутахассислар, бош пудратчиларнинг технологияни жорий этиш борасидаги вазифаларини белгилаб бериши лозим.	● Ширкат хўжалиги раҳбарига: - бош ҳосилот, бош иқтисодчи, бош ҳисобчи, бош мутахассис, бош ирригатор ва энтомолог-агрономнинг ҳар бири билан технологияни жорий этиш борасидаги уларнинг вазифаларини белгилаш бўйича шартнома тузиш;
● Оиласвий пудратчилар, механизатор ва сувчиларнинг технологияни жорий этиш борасидаги вазифаларини белгилаб бериш.	- оиласвий пудратчилар, механизатор ва сувчилар билан технологияни жорий этиш борасидаги ҳар иккала томоннинг мажбуриятларини белгилаш бўйича шартнома тузиш тавсия этилади.
● Фермер хўжалиги раҳбари ўз мутахассислари ва аъзоларининг технологияни жорий этиш борасидаги вазифаларини белгилаб бериши лозим	● Фермер хўжалиги бошлиғи мутахассис, механизатор, сувчилар ва бошқа аъзолар билан технологияни жорий этиш борасидаги вазифаларини белгилаш бўйича шартнома тузиш тавсия этилади.

	гияни жорий этиш бўйича шартномалар тузиши зарур
<b>Технологияни жорий этишда унинг иқтисодий самарадорлигини ҳисобга олиш</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>● Бизнес-режа тузиш.</li> <li>● Технологияни жорий этиш на-тижасида ҳар га ер ҳисобига камидан 40 центнердан ҳосил олишга зришиш.</li> <li>● Пахта теримини кўпи билан икки марта ташкил этиш.</li> <li>● Технология бўйича иш нормаларини кўчат қалинлигидан келиб чиқсан ҳолда белгилаш.</li> <li>● Оипавий пудратчилар меҳнатини рағбатлантиришни йўлга қўйиш.</li> <li>● Бош мутахассислар, механизаторлар, сувчилар ва бош пудратчилар меҳнатини рағбатлантиришни технологияни жорий этиш зазига зришилган ҳосилдорлик даражаси асосида белгилаш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Шартнома тузган ҳар бир оиласий пудратчи, фермер хўжалиги томонидан бизнес-режа ишлаб чиқилишига зришиш.</li> <li>● Ҳар гектар майдонда схема бўйича кўчатни сақлаб қолиш чораларини кўриш.</li> <li>● Белгиланган режадан ортиқ этиширилган ҳар бир центнер ҳосил учун қўшимча рағбатлантириш шартларини ишлаб чиқиши</li> </ul>
<b>Технологияни жорий этиш бўйича ўқув ташкил этиш</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>● Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, мутахассислари ва ишчилари, пудратчилар учун ўқув ташкил этиш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Ҳар бир мавсум олдидан дала тажриба-семинарлари ўтказиш.</li> <li>● Ҳар бир оиласий пудратчи, фермер хўжалигини кўпланма билан таъминлаш.</li> <li>● Махсус дастур асосида ўқув ташкил этиш</li> </ul>
<b>Кузги шудгорлашдан олдин далаларга минерал ва маҳаллий ўғитлар солиш</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>● Минерал ўғитларни ҳар бир дала учун тузилган тупроқ агрокимё картограммасига асосан солиш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Минерал ўғитлар НРУ-0,5, 1РМГ-4, РМУ-0,5 маркали машиналар ва бошқа мосламалар воситасида дала сатҳи бўйлаб</li> </ul>

<ul style="list-style-type: none"> <li>● Кузги шудгор олдидан фосфор йиллик меъёрининг 60-70 фоизини, калийнинг 50-60 фоизини солиш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● бир текисда солиниши керак.</li> <li>● Маҳаллий ўғит экин майдонларига РТО-4, РОУ-6 машиналари ва бошқа мосламалар ёрдамида солиниши лозим</li> </ul>
<b>Ерларни кузда шудгорлаш</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>● Ер ҳайдаш чукурлигини тупроқнинг унумдор қатламига қараб танлаш.</li> <li>● Кум ва шағал қатламлари мавжуд ерларда ҳайдов чукурлиги шундай танланиши керакки, бунда кум ва шағал шудгор бетига чиқмасин.</li> <li>● Кўндаланг кесими 5 см дан катта бўлган кесаклар миқдори 30 фоиздан ошмасин.</li> <li>● Ҳайдовда ҳосил бўладиган баланд-пастликлар +5 см дан катта бўлмасин.</li> <li>● Ҳайдов чукурлигининг белгиланганидан фарқи кўпи билан +1 см</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Асосий майдонларни икки ярусли ПЯ-3-35, ПДО-4-45, ПД-4-45, ПДН-4-45 плуглари билан ағдариб ҳайдаш тавсия этилади</li> </ul>
<b>Шудгорда ҳосил бўлган баланд-пастликларни ва дала четларини текислаш</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>● Оддий ёки икки ярусли плуглар билан шудгорланган ерларда эзат ва марзалар бўлишига йўл кўйилмайди. Шудгордаги нотекисликлар баландлиги ҳар 5 метрда +5 см дан ошмаслиги лозим</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● ГН-4А, ГН-2,8 грейдер пиҷоқлари ёки КЗУ-3В машинаси ва бошқа мосламалар ёрдамида згатларни кўмиш, марзалар ва дала четларини текислаш зарур</li> </ul>
<b>Экин экиладиган майдонларни жорий текислаш</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>● Экин экиладиган майдонлар ҳар 2-3 йилда жорий текислашини лозим</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Жорий текислашда узун базали П-2,8А, ППА-3,1 текислагичлари ва бошқа мосламалардан фойдаланиш, ковш пичоқларини ер майдонига нисбатан параллел қилиб созлаш тавсия этилади</li> </ul>

<b>Пушта олишдан олдин ерларни төкислаш</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>Нотекисликлар баландлиги +5 см дан ошмаслиги лозим</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Далалар ВП-8, ПР-0,5 механизмлари ва бошқа мосламалар воситасида ёппасига текисланиши керак</li> </ul>
<b>Пушта олиш</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>Кенглиги 90 см бўлган қатор оралари учун пуштанинг баландлиги 25-30 см бўлиши даркор.</li> <li>Пушта чўққилари орасидаги масофа 85-90 см атрофида бўлиши лозим.</li> <li>Пушта ниҳоятда тўғри олиниши керак</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Пушта олишда ариқочгичли КХУ-4 култиваторлари ёки ГХ-4 пушта-жўяқ олгичлардан ва бошқа мосламалардан фойдаланиш зарур</li> </ul>
<b>Пуштага ишлов бериш</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>Пуштанинг юза қисмини юмшатиш, унуб чиқсан ўтларни йўқотиш.</li> <li>Ўғит солинмаган майдонларга пушта ўртасига ўғит солиш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Пушта юзасига ишлов беришда трапеция шаклидаги осма тишли борона ёки култиваторга ўрнатилган мосламадан фойдаланиш тавсия этилади. Ишлов беришда пуштанинг шакли бузилмаслиги керак!</li> </ul>
<b>Пушта олинмаган майдонларга ишлов бериш</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>Тупроқнинг юкори қатламини 4-6 см чукурликда юмшатиш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Шароитга қараб БЭСС-1,0, БЭТС-1,0, БЭТХ-1,0 маркали тишли бороналар ва бошқа мосламалардан бирини ишлатиш мақсадга мувофиқдир</li> </ul>
<b>Нам тўплаш суви берилмайдиган ва шўри ювилмайдиган далаларни экишга тайёрлаш</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>Нотекисликлар баландлиги +5 см дан ортиқ бўлмаслиги лозим</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>МВ-6,0 маркали ва бошқа оғир молалар ёрдамида кесакларни майдалаш, майдонларни узил-кесил текислаш.</li> <li>Серкесак далаларга ОПУ-2,2, КВФ-2,8, «Циркон-7/205» маркали фрезали култиваторлар, БДТ-2,2, БДТ-3,0, ТДБ-3F5 дискли бороналари ва бошқа мосламалар билан ишлов бериш</li> </ul>

**Нам тўплаш суви бериладиган ва  
шўри ювиладиган далаларни экишга тайёрлаш**

- |   |  |
|---|--|
| <ul style="list-style-type: none"> <li>● Марза ва пушталарни текислаш, ўқариқларни кўмиш.</li> <li>● Тупроқ қатламини бир йўла 12-15 см чукурликда юмшатиш, ўғит солиш, текислаш ва борона қилиш</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>● ГН-4А, ГН-2,8 грейдерларининг пичоқларини ёки КЗУ-3В машинасини ишлатиш.</li> <li>● ЧКУ-4А, ЧК-4-6 маркали чизел-култиваторлар ва бошқа мосламалардан фойдаланиш, уларнинг аппаратларини белгиланган меъёрда минерал ўғит соладиган қилиб созлаш.</li> <li>● «зиг-заг» бороналар тиркалган MB-6 текислагичларидан фойдаланиш</li> </ul> |
|---|--|

**Нав танлаш ва уруғлик чигитни экишга тайёрлаш**

- |   |  |
|---|--|
| <ul style="list-style-type: none"> <li>● Хўжаликнинг тупроқ ва иқлим шароитга мос келадиган ва районлаштирилган ёзга на-вининг туксизлантирилган чигитини экиш учун танлаш.</li> <li>● Уруғлик чигит сертификацияланган - сараланган ва дориланган бўлиши ҳамда қуидаги талабларга жавоб бериши лозим: <ul style="list-style-type: none"> <li>- навларга қараб унувчанлиги - камида 98%;</li> <li>- қолдик туклар миқдори - кўпи билан 0,3%;</li> <li>- механик шикастланганлик даражаси - кўпи билан 5%</li> </ul> </li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>● Фермер ва ширкат хўжаликларининг вакиллари уруғлик чигитни сертификати бўйича қабул қилиб олишлари даркор.</li> <li>● Уруғлик чигитнинг сифат кўрсаткичларини пахтани қайта ишлаш ҳиссадорлик жамиятлари лабораторияларида ва «Давуругназорат» идораси уруғчилик лабораториясида қайта текширитириб кўриш тавсия этилади</li> </ul> |
|---|--|

**Полиэтилен плёнкага қўйиладиган талаблар**

- |  |   |
|--|---|
| <ul style="list-style-type: none"> <li>● Плёнканинг ўлчамлари: 90 см кенглиқдаги қатор оралари учун - 600 x 0,008 мм.</li> <li>● 60 см кенглиқдаги қатор оралари учун: 900 мм x 0,008 мм.</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>● Ширкат ва фермер хўжаликлари вакиллари полиэтилен плёнка ўрамларини корхоналардан сертификати бўйича қабул қилиб олишлари даркор.</li> </ul> |
|--|---|

<ul style="list-style-type: none"> <li>● 4 қатор 35x50x35 схемаси учун: 1600 мм x 0,008 мм.</li> <li>● Плёнканинг зни: 600 мм + 20 мм ёки 580 - 620 мм</li> <li>● Плёнканинг қалинлиги: 0,008 мм + 15% ёки 0,0068 - 0,0092 мм</li> <li>● Плёнка ўрамининг оғирлиги: 600x0,008 мм ўлчамлиги учун: 13 -15 кг ;</li> <li>● Бир ўрам плёнкадаги узи-лишлар сони: кўпі билан 3 та.</li> <li>● Плёнканинг узунасига ва кўндалангига чўзилишидаги пишиклиги, узилиш вақтидаги нисбий узайиши миқдорлари, шаффоғлиги давлат стандартлари талабларига мос келиши керак</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Корхона вакили плёнка ўрамларини хўжалик вакилига кафолат далолатномаси орқали топширади.</li> <li>● Зарур ҳолларда плёнканинг сифат кўрсаткичларини корхона назорат лабораториясида қайта текширириб олиш тавсия этилади</li> </ul>
--	---

#### Плёнка остига чигит экадиган сеялкаларни ишга тайёрлаш

<ul style="list-style-type: none"> <li>● Сеялкаларни созлаш, уларни синов майдончаларида синаб кўриш ва комиссиялар томонидан далолатномалар орқали қабул қилиб олиш</li> <li>● Ишга тайёр сеялкалар кўйидаги талабларга жавоб бериши позим:</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Ҳар бир хўжаликда қуйидаги чора-тадбирлар кўрилиши лозим: <ul style="list-style-type: none"> <li>- сеялкаларни таъмирлаш ва созлаш бригадаларини ташкил этиш;</li> <li>- тупроқ ташланган ва усти берк синов майдончасини барпо этиш;</li> <li>- сеялкаларни айнан шу майдончада синовдан ўтказиш;</li> <li>- синовдан ўтган сеялка комиссия томонидан қабул қилинади, механизаторга топширилади</li> </ul> </li> <li>● Барабан ён деворига ўрнатилган очиш мосламасини ўнг ёки чап томонга суриш ёр-</li> </ul>
---	---

<ul style="list-style-type: none"> <li>● Экиш барабанининг қадама-эккич (мундштук)лари ер сатҳига нисбатан тик ҳолатга келгандагина плёнка-ни тешсин, уя ҳосил қипсин ва қопқоғи очилиб, уруғларни уя тубига ташласин</li> </ul>	дамида созланади
<ul style="list-style-type: none"> <li>● Чигитнинг экиш чукурлиги - 3-4 см</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Сеялка рамасига ўрнатилган винтли механизм ёрдамида созланади</li> </ul>
<ul style="list-style-type: none"> <li>● Битта уяга тушадиган чигит сони: кўпи билан 3-4 дона</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● қадама-еккичининг дозатори (меъёрлагичи) ёрдамида созланади</li> </ul>
<ul style="list-style-type: none"> <li>● Плёнканинг тупроқсиз, яъни очиқ қоладиган сатҳининг кенглиги:           <ul style="list-style-type: none"> <li>- чигит 90(60x30)x12, 90(60x30)x10 схемаларида кўшқаторлаб экилганда - камидা 30 см;</li> <li>- чигит 60x10, 60x12, 60x15 схемаларида якка қаторлаб экилганда - камидা 40-45 см.</li> <li>- чигит 35x50x35 схемасида 4 қаторлаб экилганда - камидা 100-110 см</li> </ul> </li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Экиш барабанининг орқасида симметрик жойлашган бир жуфт сферик дискнинг экиш йўналишига нисбатан жойлашиш бурчакларини ўзгартириш орқали созланади</li> </ul>
<ul style="list-style-type: none"> <li>● Плёнканинг ҳар икки четига ташлаб кетилаётган тупроқнинг қалинлиги - 2-3 см атрофида</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Сферик дискларнинг тупроққа ботиш чукурлигини ўзгартириш орқали созланади</li> </ul>
<b>Плёнка остига чигит экиш муддатини аниқлаш</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>● Чигит экиш тупроқнинг 0-10 см қатламидаги тургун ҳарорат 8-10 даражага етганда бошланиши лозим</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Тупроқнинг ҳарорати 6-ампиметр ўлчагичи ёрдамида аниқланади</li> </ul>
<b>Плёнка остига чигит экиш</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>● Чигит экиш вақтида агрегатни й-узатма тезлигига харакатлантириш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Экиш агрегатида плёнка остига чигит экиш тажрибали механизаторлар зиммасига юклатилади</li> </ul>

<ul style="list-style-type: none"> <li>● Ҳар бир экиш агрегатига 5 кишидан, яъни механизатор ва 4 нафар назоратчидан иборат экипаж бириктириш.</li> <li>● Ҳар бир экиш агрегатини ёритқич чироқлари билан жиҳозлаш.</li> <li>● Ҳар бир сеялкага чигит тушган уяларга плёнка устидан 0,7 - 1 см қалинлиқда тупроқ солиб кетувчи гредерчалар қўйиш.</li> <li>● 35x50x35 схемасида чигит экилаётганда тупроқ чигит уялари устига маҳсус барабанлар орқали ташланиши лозим</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Механизатор экипаж бошлиғи ҳисобланади ва экиш агрегатининг бенуқсон ишлашини таъминлайди.</li> <li>● Назоратчилар иш жараёнида қўйидагиларни текшириб борадилар: <ul style="list-style-type: none"> <li>- қадама-эккичлар қопқоқларининг тозалигини;</li> <li>- плёнканинг таранг ҳолда тўшалишини;</li> <li>- чигитнинг уяларга белгилangan микдорда тушишини;</li> <li>- плёнканинг очиқ қолган сатҳи кенглиги барқарорлигини;</li> <li>- плёнка четларининг тупроқ билан зарур кенглиқда ва қалинлиқда шиббаланишини;</li> <li>- чигит бункеридаги ўлчов белгисига қараб экиш барабанидаги чигит сарфи меъёрини;</li> <li>- плёнка ўралган ғалтак, экиш барабани, ариқ очувчи ва тупроқ тортувчи сферик дисклар ҳолатини.</li> </ul> </li> </ul>
<ul style="list-style-type: none"> <li>● Плёнка узилиши биланоқ агрегатни тўхтатиш шарт!</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Ҳар бир экиш агрегатининг кабинасига товуш бериш мосламаси ёки авария чироғи, сеялканинг орқа рамасига уларнинг тугмаларини ўрнатиш.</li> </ul> <p>Плёнка узилганда назоратчи тумани босиши, тракторчи агрегатни тўхтатиши, экиш барабани остига плёнка тўшалиши ва узилган жойга тупроқ тортилиши керак</p>
<ul style="list-style-type: none"> <li>● Даланинг боши ва охиридаги уватларга, симёочлар</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Уватларга қўшимча ишлов бериш, чигит қадаш ва плёнка</li> </ul>

<p>тагларига ҳам чигит экилишини таъминлаш лозим</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Чигит экиш билан биргаликда кўшқатор ўртасига минерал ўғитлар йиллик меъерининг 50-60 фоизини 15-17 см чукурликка солиш</li> <li>Чигит экиш билан бир пайтда далаларга гербицид пуркаш.</li> </ul> <p><b>Диққат!</b> Чигит экиш ишлари кўпи билан 10 кунда якунлансин.</p>	<p>тўшаш</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Назоратчилар ўғит солиш механизмларининг ҳолатини, ўғит солиш меъёрини ва чукурлигини текшириб борсинлар</li> <li>Экиш агрегатига ПГС мосламасини ўрнатиш, гербицид зритмасининг бир меъёрда пуркалишини кузатиб бориш</li> </ul>
<b>Экиш сифатини назорат қилиш</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>Чигит экилган ҳар бир далини қўшимча назоратдан ўтказиш.</li> </ul> <p>Бундай далаларда қўйидагилар бўлишига йўл қўйилмаслиги лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- бўш, яъни чигитсиз уялар;</li> <li>- чигити тупроқ билан кўмилмаган уялар;</li> <li>- плёнканинг тупроқ билан ёпилмай қолган четлари;</li> <li>- плёнканинг йиртилган жойлари;</li> <li>- чигит экилмаган, плёнка тўшалмаган пушта ва ўқариқлар.</li> </ul> <p><b>Диққат!</b> Қаттиқ ёмғир, шамол ва селдан кейин барча майдонлар қайта назоратдан ўтказилсин.</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Экиш сифатини хўжалик агрономи ва бош пудратчилар, фермер хўжалиги мутахассислари назорат қиладилар. Аниқланган камчиликлар қўйидагича бартараф этилади:</li> <li>- кўлда чигит ташланади;</li> <li>- уялар тупроқ билан беркитилади;</li> <li>- плёнка четларига тупроқ тортилади ва шиббаланади;</li> <li>- йиртилган жойлар устига тупроқ солинади;</li> <li>- пушта ва ўқариқларга кўлда чигит экилади ва плёнка тўшалади;</li> <li>- ҳар бир пудратчи, фермер ўз даласини яхшилаб текшириб чиқади, зарур таъмирлаш ишларини бажаради.</li> </ul>
<b>Ғўзани яганалаш</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>Яганалаш ғўзада 1-2 дона чинбаррг пайдо бўлганда бошланади.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Белгиланган меъёрда соғлом ниҳоллар қолдирилади.</li> </ul>

<ul style="list-style-type: none"> <li>● Схемалар бүйича гектар ҳисобига күчат қалинлиги қуидагиша:</li> </ul> <table border="0"> <tr><td>90(60x30)x12-1</td><td>184 минг туп;</td></tr> <tr><td>90(60x30)x10-1</td><td>225 минг туп;</td></tr> <tr><td>90(60x30)x15-1</td><td>148 минг туп;</td></tr> <tr><td>60x12-1</td><td>139 минг туп;</td></tr> <tr><td>60x10-1</td><td>162 минг туп;</td></tr> <tr><td>90x12-1</td><td>92,5 минг туп;</td></tr> <tr><td>90x15-1-2</td><td>111 минг туп;</td></tr> <tr><td>35x50x35x10-1</td><td>225 минг туп.</td></tr> </table> <p><b>Изоҳ:</b> Чигитти якка қаторлаб 90x12-1, 90x15-1 схемаларида экилган майдонлардаги экинни уруа өтиширишга йўналтириш максадга мувофиқдир.</p>	90(60x30)x12-1	184 минг туп;	90(60x30)x10-1	225 минг туп;	90(60x30)x15-1	148 минг туп;	60x12-1	139 минг туп;	60x10-1	162 минг туп;	90x12-1	92,5 минг туп;	90x15-1-2	111 минг туп;	35x50x35x10-1	225 минг туп.	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Дикқат! Яганалаш пайтида плёнка устида юриш қатъиян маън этилади.</li> <li>● Ягана ва кейинги ишловлардан кейин гектар ҳисобига камида 90 фоиз күчат сақланишини таъминлаш зарур.</li> <li>● Яганалаш вақтида қуидаги кўшимча ишларни бажариш зарур: <ul style="list-style-type: none"> <li>- ниҳоли йўқ бўш уяларга чигит ташлаш;</li> <li>- уя атрофларини, плёнканинг очиқ қолган қисмларини шиббалаш (герметизациялаш).</li> </ul> </li> </ul>
90(60x30)x12-1	184 минг туп;																
90(60x30)x10-1	225 минг туп;																
90(60x30)x15-1	148 минг туп;																
60x12-1	139 минг туп;																
60x10-1	162 минг туп;																
90x12-1	92,5 минг туп;																
90x15-1-2	111 минг туп;																
35x50x35x10-1	225 минг туп.																

<b>Ғўза қатор ораларига биринчи ишлов бериш</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>● Қатор ораларини юмшатиш, бегона ўтларни йўқотиш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Култиваторнинг ҳар бир қатор орасида ишлайдиган ишчи қисмлари тутқичига 5 тадан ишчи органи, яъни 2 та юмшатгич панжа (KKO), 2 та ясси кесувачи панжа («наралник») ва 1 та фозпанжа («лапка») ўрнатиш тавсия этилади</li> </ul>
<ul style="list-style-type: none"> <li>● Ишчи органлар плёнка четларини йиртмаслиги, илиб олмаслиги, унинг очиқ сатҳига тупроқ тўймаслиги керак.</li> <li>● Дикқат! Трактор 1-узатма тезлигига ишлатилсин. Унга эни тор шиналар ўрнатилсин.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Тутқичнинг энг чеккасига ўрнатилган юмшаткич панжаларни ғўздан камида 8 см узокликда жойлаштириб, ҳимоя майдони қолдириш.</li> <li>● Ишчи органларнинг юмшатиш чукурликларини қуидагича созлаш: <ul style="list-style-type: none"> <li>- Юмшаткич панжа - 5-6 см;</li> <li>- Ясси кесувачи панжа - 8-10 см;</li> <li>- Фозпанжа - 12-14 см.</li> </ul> </li> </ul>

## Ғўза қатор ораларида навбатдаги ишловларни ўтказиш

<ul style="list-style-type: none"> <li>● Биринчи ишловдан кейин қатор ораларини чизел-култиватор ёрдамида 18-22 см чуқурликда юмшатиш.</li> <li>● Қатор ораларига навбатдаги ишловларни беришда култиваторнинг ишчи органлари қуидаги чуқурликларда со-злансин:           <ul style="list-style-type: none"> <li>- 60 см ли ораликлар учун:</li> <li>- четки органлар - 6-8 см,</li> <li>- ўртадагилар - 12-14 см;</li> <li>- 90 см ли ораликлар учун:</li> <li>- четки органлар - 8-10 см,</li> <li>- ўртадагилар - 15-16 см.</li> </ul> </li> </ul>	
	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига қараб, унинг илдизларига шикаст етказмаслик учун ишчи органларнинг чуқурлигини аста-секин камайтириб бориш; чуқур юмшаткичлар ўрнига саёз юмшаткичлар ўрнатиш тавсия этилади</li> </ul>

### Плёнкани йигиштириб олиш

<ul style="list-style-type: none"> <li>● Далалардан плёнкани ҳавонинг самарали ҳарорати сезилмай қолганда йигиштириб олиш лозим.</li> <li>● Чигити 35x50x35-1 схемасида экилган майдонларда биринчи сув олдидан плёнкани йигиштириб олиб, згат очиш ва сув бериш ҳамда култивация қилиш лозим.</li> <li>● Плёнкани йигиштириб олишда ғўза шохлари ва меваларининг шикастланишига йўл кўйилмайди.</li> <li>● Диққат! Далада плёнканинг бирон-бир парчаси ҳам қолиши мумкин эмас.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Плёнкани йигиштириб олиш муддатини белгилашда ҳавонинг ҳарорати, тупроқдаги наамлик миқдори, ер ости сувлари жойланиш сатҲининг чуқурлиги ва ғўзанинг ривожланиш ҳолатини ҳисобга олиш зарур.</li> <li>● Қўшқатор орасидаги плёнкани ўртасидан ёриб кетиш, тешиклар атрофини йиртиш, плёнка четлари устидаги тупроқни олиб ташлаб, уни йигиштириб олиш керак.</li> </ul>
--	---

### Ғўзани озиқлантириш меъёри

<ul style="list-style-type: none"> <li>● Ерга солинадиган минерал ўғитларнинг йиллик меъёри тупроқнинг агрокимёвий кар-</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Ғўзани иккинчи озиқлантиришда минерал ўғитларга чиригган, куритилган ва эланган</li> </ul>
--	---

<p>тограммаси, режалаштирила-ётган ҳосил миқдори, экилган йўза навининг озиқ элементларига бўлган талабига қараб белгиланиши даркор.</p>	<p>Гўнгни аралаштириб бериш мақсадга мувофиқ.</p>
<ul style="list-style-type: none"> <li>● Плёнка ёрдамида йўза ўстирилаётган ерларнинг ҳар гектарига солинадиган азотнинг йиллик меъёри 250 кг, фосфорники 175 кг, калийники 125 кг ва уларнинг нисбати 1:0,7:0,5 бўлиши керак. Чигит экиш билан бирга бу ўғитларнинг йиллик 50-60 фоизи тупроққа солинади.</li> <li>● Ўғит меъёрини мўлжалланәётган ҳосилдорлик ва кўчат сони ҳисобига 15-20 фоиз ошириш мумкин.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Минерал ўғитлар йиллик меъёрининг шудгорлаш, пушта олиш ва чигит экиш билан биргаликда солинганидан қолган қисмини бўлиб бериш.</li> <li>● Ўғитни экиш даврида қўшқатор орасига 15-17 см чукурликка солиш.</li> <li>● Кейинги ўғитни сув олдидан заттага солиш.</li> </ul>
<ul style="list-style-type: none"> <li>● Фўзани минерал ўғитлар билан озиқлантириш ишлари 20 июнгача якунланиши лозим</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Фўзаларни кеч озиқлантириш уларнинг ғовлаб кетишига, кечки қўсаклар пайдо бўлишига, ҳосил сифатининг пасайишига олиб келади.</li> </ul>
<p><b>Фўзани суғориш меъёри ва тартиби</b></p>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>● Фўзани суғориш меъёри ва тартиби муайян навдаги йўзанинг сувга бўлган талабидан, унинг биологик хусусиятларидан, хўжаликнинг тупроқиқлими шароитидан, ер ости сувининг жойлашиш сатҳи ва ёғин-сочин миқдоридан келиб чиқиб белгиланиши зарур.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Фўзани суғориш меъёри гектарига: <ul style="list-style-type: none"> <li>- ер ости сувлари сатҳи чукур жойлашган тупроқларда:</li> <li>- йўза гуллагунча - <math>700-800 \text{ m}^3</math>;</li> <li>- гуллаш-қўсаклаш даврида - <math>800-1000 \text{ m}^3</math>;</li> <li>- ер ости сувлари сатҳи яқин жойлашган тупроқларда:</li> <li>- йўза гуллагунча - <math>600-700 \text{ m}^3</math>;</li> <li>- гуллаш-қўсаклаш даврида - <math>700-900 \text{ m}^3</math>.</li> </ul> </li> </ul>

<ul style="list-style-type: none"> <li>Суғоришда эгатлар боши, ўртаси ва охирининг бир текис намланишини таъминлаш керак. Ўта захлатиб суғоришига йўл қўйилмайди.</li> <li>Суғориш тупроқ шароитига қараб 6-8, 8-10 соатдан ошмасин. Тик ўқариқдан барча кўндалант ариқларга teng сув очилиб таралиши лозим.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Ернинг нишобига ва сув ўтказувчанилигига қараб қўйидаги масофаларда ўқариқлар олиш тавсия этилади:           <ul style="list-style-type: none"> <li>- қатор ораси 60 см бўлганда</li> <li>- ҳар 60-80 м да;</li> <li>- қатор ораси 90 см бўлганда</li> <li>- ҳар 80-90 м да.</li> </ul> </li> </ul>
<ul style="list-style-type: none"> <li>Ғўзани суғориш ишлари куну тун ташкил қилиниши зарур.</li> <li>Ғўзанинг гуллаш даврида суғоришини «Шарбат усули»да ўтказиш тавсия этилади.</li> <li>Биринчи сув билан гектарига 200 кг ҳисобида аммиак суви бериш керак.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>«Шарбат усули»да гўнг олдиндан ташиб келтирилади, ўралар баҳордан тайёрлаб қўйилади.</li> <li>Суғоришда сувни ташлаш олдидан аммиак идишдан томчилатиб қўйилади.</li> <li>Аммиакни қўллашда хавфисизлик техникаси қоидаларига риоя қилиш шарт.</li> </ul>

### Ғўза ўсишини бошқарувчи «СОЖЕАН» стимуляторидан фойдаланиш

<ul style="list-style-type: none"> <li>Биринчи марта - ғўзада 6-7 та чин барг пайдо бўлганда - гектарига 15 грамм;</li> <li>Иккинчи марта - ғўза гуллай бошлаганда - гектарига 45 грамм;</li> <li>Учинчи марта - ғўза кўсаклай бошлаганда - гектарига 90 грамм сепилади</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Асосан штангали пуркагичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.</li> <li>Кичик майдонларда кўлда ишлатиладиган аппаратлардан ҳам фойдаланиш мумкин. (29-32-бетларга қаранг).</li> </ul>
<ul style="list-style-type: none"> <li>Қўш қаторларда ғўза бўйи 75-85 см дан ортишига йўл қўйилмаслиги керак.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>«СОЖЕАН» препаратидан фойдаланишда йўриқномага катъий риоя қилиш зарур.</li> </ul>

<b>Ғўзани чиллиш</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>● Кўшқаторлаб экилган ғўзани чиллиш ишлари ҳар бир туп ғўзада ўртача 2 та кўсак ва 11-12 та хосил шохлари пайдо бўлганда бошланиши зарур.</li> <li>● Ўсув шохларининг ўсув нукталари чиллиб ташланиши керак.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Чиллиш ишларини табакалаштириб ўтказиш, ўсув шохларининг ўсув нукталарини олдинроқ олиб ташлаш</li> </ul>
<b>Ғўза зааркунандалари ва касалликларига қарши қураш</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>● Ғўза зааркунандалари ва касалликларига қарши интеграциялашган (уйғунлашган) ҳолда қураш олиб бориш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Уйғунлашган ҳолдаги қураш - бу касалликнинг ҳақиқий ҳолатига қараб унинг олдини олиш учун профилактик, механик, биологик ва кимёвий воситалардан фойдаланиш демакдир</li> </ul>
<ul style="list-style-type: none"> <li>● Трипс, шира, оққанот, ўргимчаккана, турли тунламалар, кўсак курти каби ҳашарот ва зааркунандаларга қарши, зарурат туғилганда, ташқи ва ички таъсир этувчи кимёвий препаратлардан, кўпроқ биологик усувлар (трихограмма, габробракон, «олтинкўз» ва бошқалар)дан тўғри фойдаланиш</li> </ul>	
<b>Суспензия селиш</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>● Ғўзанинг баргидан озиқлантириш ва ҳашаротга қарши суспензиялардан фойдаланиш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Суспензия тайёрлаш кўрсаткичларига қатъий амал қилиш керак. (27-28-бетларга қаранг).</li> </ul>

### **Ғұзан дефолиация қилиш**

- Ғұза дефолиацияси унинг нави, ривожи, баргининг күп ёки камлиги, ҳаво ҳароратига қараб ғұза түпларидаги мавжуд күсакларнинг 55-60 фоизи очилғанда бошланиши позим.
- Дефолиантларни гектарига күйидеги мөйерларда ишлатыш керак:
  - хлорат магний - 8-12 кг;
  - «Садаф» - 8,5-10 кг;
  - «Дропп ультра» - 0,4-0,7 кг;
  - «Авурон экстра» - 0,1-0,2 кг.

### **Пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш**

- Пахтанинг құл терими ғұза түпларидаги күсакларнинг 80-85 фоизи очилғанда бошланиши даркор.
- Ҳосил 1-навга сотилса, бу - агротехника үз вактида сифатлы үтказилғанлығидан да-долат беради.
- Дефолиантларни вентиляторлы ОВХ-600 ёки штангали ОПШХ-12 машиналари ёрдамыда пуркаш мақсадға мувофиқидир

# **ТУПРОҚНИ ЭКИШГА СИФАТЛИ ТАЙЁРЛАШ**

## **Бу - чигитни плёнка остига экишдаги энг мұхим агротехник тадбир ҳисобланади**

Халқимизда «Қийналиб ариқ қазисанғ, роҳат қилиб сув ичасан» деган мақоп бор. Ушбу мақолни чигитни плёнка остига экиш технологиясининг агротехник талабларини түләттүкис бажариб, пахтадан мүл ҳосил етиштиришга қиёсан ишлатса ҳам бўлади.

Дарҳақиқат, бу технология пахта етиштиришда агротехника талаблари тўлиқ бажарилишини шарт қилиб қўядиган ягона усулдир. Чунки бу усулда агротехниканинг кўпол ёки маълум бир даражада бузилишига йўл қўйилса, камчиллик тез орада яққол қўриниб қолади. Шунинг учун ҳам мазкур усулда тупроқни экишга сифатли тайёрлаш жуда мұхим аҳамият касб этади.

Шуни ёдда тутиш керакки, тупроқнинг экишга сифатли тайёрланиши кузги ҳайдовнинг қандай ўтказилганига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Кузги ҳайдов олдидан оилавий пудратчилар, фермерлар томонидан пайкални ўсиммлик қолдиқларидан тозалаш, капитал ёки жорий текислаш, зарурат бўлса, пайкални сугориш ишлари ташкил этилиши, қишлоғ қолувчи ҳашаротларни йўқ қилиш учун механик ва кимёвий кураш чоралари қўлланилиши, ўтган мавсумда сугориш учун вақтинчалик қазилган чукурлар, ўқариқ ва ариқлар текисланиши позим. Ерни шудгорлаш учун техника воситаларини ва механизмларни созлаш, ернинг ҳолатига ёки ёввойи ўтлар билан ифлосспаниш даражасига қараб, ҳайдовни қандай плугларда (оддий ёки икки ярусли) ўтказиш зарурлигини аниқлаб олиш талаб этилади.

Минерал ўғитларнинг йиллик меъёри унумдор ва шўрланган ерларда қуйидагича: азот-250 кг/га, фосфор - 175 кг/га, калий - 125 кг/га. Уларнинг нисбати 1:0,7:0,5 бўлишини

таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Ҳайдов олдидан фосфорнинг 70 фоизини ёки 112,5 кг/га, калийнинг 50 фоизини ёки 62,5 кг/га, тайёрланган компостнинг ҳаммасини солиш тавсия қилинади.

Унумдорлиги юқори, ўт босишга мойил, унумдор қатлами қалин ерлар асосан икки ярусли плуглар билан 30-35 ва ҳатто 40 см чукурликда тупроғи тұла ағдариб шудгор қилинади.

Тупроқ қатламларида арзик жойлашган ерларда арзик қатламини нисбатан чукурроққа тушириш мақсадида ҳар иили ҳайдаш чукурлиғи 2-5 см.га ошириб борилади. Бу усулда ҳайдаш икки ярусли плугларда амалға оширилади.

Унумдорлиги паст бүлған құмлоқ, тошлоқ ва унумдор қатлами 30-35 см. дан ошмайдиган ерлар оддий плугларда нисбатан саёзрок шудгорланади. Тупроқ шароитига қараб арзик қатлами мавжуд бүлған ва қаттық ерларни «рихпитељ» (чукурлатгич) билан тилиб чиқиш ва шудгорлашда омочдаги предплужник (чимқирқар)дан фойдаланиш зарур. Шўр ерларни гүнг солиб ҳайдаш лозим.

Ҳайдов олдидан кўп йиллик бегона ўтларга қарши гербицидлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Чигитни плёнка остига экиш усули агротехникасининг энг асосий талабларидан бири - **тупроқни экишга сифатли тайёрлаш** бўлиб, у бошқа талабларнинг бажарилиши учун ҳам шароит яратади.

Ушбу тадбирни талаб даражасида ўтказиш учун янги технология асосида чигит экишга хўжаликда унумдор ерлар танланиши ва бу майдонлар ҳар бир оиласвий пудратга 1 - 1,5 га дан бўлиб берилиши керак. Ер ости сувлари ўта саёз жойлашган, тошлоқ, ўта шўр, ўта құмлоқ, кўп йиллик қора шўра, саломалайкум, ғумай, қамиш ўсадиган ерлар бундан мустасно.

Оиласвий пудратчилар бўлиб берилган майдонларни асосан кўш қатор схемага мўлжаллаб экишга тайёрлашлари ва янги усулни қўллаш туфайли ҳосилдорликни камида 40

центнерга етказиши режалаштирган ҳолда иш ташкил этишлари керак.

Чигитни плёнка остига экиш усулида юқори самарага эришиш учун тупроқ юзасига майин ишлов бериш, ўлчами 20-25 мм дан катта кесаклар бўлишига йўл қўймаслик, дала юзаси текис бўлишини таъминлаш зарур. Асосий ҳайдаш, текислаш ишлари кузда бажарилгач, эрта кўкламда биринчи навбатда амалга ошириладиган вазифа - **далани бороналашдир**. Бу тадбир ўз вақтида ўтказилса, дала юзаси майин ҳолда бўлиши ва текисланиши ҳамда тупроқда тўплланган нам тез кўтарилиб кетмаслиги таъминланади, шунингдек ўсиб чиқаётган бегона ўтлар йўқ қилинади.

Кузги шудгор қанчалик сифатли ўтказилган бўлишига қарамасдан эрта кўкламги бороналашнинг озгина бўлса ҳам кечикиши тупроқдаги намнинг тез буғланиб кетишига, дала юзасининг серкесак бўлиб қолишига ва тупроқ ҳайдов қатламининг қотиб қолишига олиб келади. Натижада ерни экишга тайёрлаш ишлари анча мураккаблашиб, уруғни сифатли экиш ва қийғос ундириб олиш имконияти бой берилади. Шу боисдан барча далаларда эрта кўкламги бороналаш тупроқнинг 8-10 см юза қатлами етилиши биланоқ бир йўла икки қатор борона тиркалган ҳолда ўтказилиши ва қисқа муддатда, яъни 1-2 кун ичida тугалланиши керак.

Шўри ювилган, яхоб суви берилган майдонларда, аввали, даланинг етилган қисмларини оралатиб бороналаш, сўнгра эса бутун далани бороналаш керак. Бу тупроқнинг майин бўлишини ва бутун дала бўйлаб бир хил етилишини таъминлайди.

Агар дастлабки бороналашдан кейин ёққан ёмғирлар натижасида қалин қатқалоқ пайдо бўлса, бундай майдонларда мазкур тадбир тақрорланиши зарур.

Тупроқ ортиқча зичланмаслиги ва юқори иш унумдорлигига эришиш учун кўкламги бороналашни занжирли тракторлар ва кенг қамровли тиркамалар асосида тузилган агрегатлар воситасида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бунда боро-

налаш агрегати бир хил тиپдаги бороналардан ташкил топган, уларнинг тишлари ўтириланган бўлиши керак.

Шўрланган ва яхоб суви берилмайдиган далаларни бороналашда БХСС-1,9 ўрта бороналаридан, шўри ювилган ва яхоб суви берилган далаларни бороналашда эса БЗТХ-1,0 оғир бороналаридан фойдаланиш ишнинг юқори унумдорлигини ва сифатли бўлишини таъминлайди.

Бороналаш агрегати далада диагонал бўйлаб ёки диагонал қирқмаси усулида ҳаракатлантирилгани маъкул, чунки бунда тупроқ яхши майдаланади ва дала юзаси яхши текисланади.

Қайтиш зоналарида агрегат тўхтатилиб, бороналар йиғилиб қолган ўсимлик қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозаланиши ҳамда улар даланинг четига чиқариб ташланиши керак.

Йирик кесаклар сақланиб қолган айрим пайкалларга эрта кўкламда мавжуд БТД-2,2, БТД-3,0 каби дискали бороналар билан 8-10 см чуқурлиқда 1-2 марта ишлов берилиши лозим.

Бевосита экиш олдидан тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, далаларга қуидагича ишлов берилиши керак:

- *шўрланмаган ва табиий нами етарли бўлганлиги туфайли яхоб суви берилмайдиган ерлар* экиш олдидан бороналанади ва ПР-5, ВП-8 текислагичлари билан текисланади. Тупроғи зичлашиб кетган айрим далалар ЧК-3,0,ЧКУ-4 чизел-култиваторлари билан юмшатилади ва орқасидан дарҳол изма-из бороналаб, мола бостирилади. Агар тупроқ етарли даражада майдаланмаса, бороналаш ва молалаш тақроран ўтказилади.

- *шўри ювилган ва яхоб берилган ерлар* экиш олдидан тупроқ шароитига қараб юқоридаги чизел-култиваторлар ёки дискали бороналар билан 1-2 марта юмшатилади ва изма-из 2-3 марта бороналаниб, мола бостирилади.

Тупроқ яхши майдаланиши учун чизел-култиваторларнинг юмшатгич панжалари поғонасимон, яъни

иккинчи қатордаги юмшатгич панжалары биринчи қатордаги панжаларга нисбатан, учинчи қатордаги панжалар эса иккинчи қатордагиларга нисбатан 3 см чуқурроқ юрадиган қилиб ўрнатилиши, дискали боронанинг дисклари ҳаракат йўналишига нисбатан  $15\text{--}18^{\circ}$  бурчак остида ўрнатилган бўлиши, чизел-култиваторлар ҳам, дискали бороналар ҳам, албатта, орқасига тишли бороналар, молалар тиркалган ҳолда ишлатилиши зарур. Чизелланган ёки дискаланган дала парга MB-6,0 ёки MB-6,5 молалари ва сихмолалар билан ишлов берилса, иш сифати яхшиланади.

Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, фрезерли култиватор билан ишлов берилганда, тупроқ янада майинлашади. Айниқса илгари ишлаб чиқарилган КФГ-3,6 русумли, Чирчиқ қишлоқ хўжалиги машиналари заводи ишлаб чиқарган ОПУ-2,2 русумли горизонтал фрезерли култиватор ва қуролларни, Голландия технологияси бўйича картошка ётиштириш учун республикага келтирилган «Доминатор», Тошкент агрегат заводи «Киевтрактордеталь» заводи билан ҳамкорликда чиқарган КВФ-2,2 ва Германия «Лимкин» фирмаси билан биргаликда тайёрлаган «Циркон» русумли вертикаль фрезерли култиваторларни кўллаш мақсадга мувофиқ. Чунки бундай култиваторлар воситасида ишлов берилганда тупроқ бир йўла юмшаткич панжалар билан 14-18 см чуқурлиқда юмшатилади, фрезерли барабан билан 8-12 см қатламдаги кесаклар ўлчами 25 мм. дан катта бўлмаган бўлакларга майдапанади ҳамда текислагич этак ва ғалтак мола билан тупроқ юзаси текисланади ва зичланади. Култиватор бир ўтишда тупроқни экин экишга ва плёнка ёйишга тайёр ҳолга келтиради.

Чигит экиладиган майдонларда сифатли ҳайдов ўтказиш ва ерни экишга тайёрлашда механизаторлар ҳамда техникага хизмат кўрсатувчиларга иш ҳақи тўлашнинг ва улар меҳнатини рағбатлантиришнинг тўғри йўлга қўйилиши агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли ўтказишда муҳим рол ўйнайди. Шу билан бирга тупроқни экишга тайёрлаш,

чиғит әкиш ва бошқа ишларнинг белгиланган муддатларда сифатли бажарилишига эришиш учун механизаторлар билан уларнинг зиммасига муайян масъулият юклайдиган шартнома тузилиши керак. Аввалги йилларда айрим ширкат, фермер хўжаликларида бўлгани каби ҳайдов графигини бажариш учун ерларни сифатсиз, пала-партиш ҳайдаш ҳоллари яна тақрорланишига йўл қўймаслик, далада бажарилаётган ишлар устидан назоратни кучайтириш зарур. Бундай назорат оиласвий пудратчи ва фермер хўжалиги раҳбари томонидан мунтазам олиб борилиши лозим.

## **ОЛТИНГУГУРТ ОҲАКЛИ ҚАЙНАТМАСИ (ООҚ-ИСО)НИ ТАЙЁРЛАШ**

Мазкур қайнатма хўжаликларда ишлатиш олдидан тайёрланади. Бунинг учун олтингугурт кукуни, сўндирилмаган оҳак ва сув зарур бўлади, улар 2:1:17 нисбатларда олинади, яъни 20 кг олтингугурт кукуни, 10 кг юқори сифатли сўндирилмаган оҳак ва 70 л сув.

ООҚ тайёрлаш учун оддий чўян қозон (200 л ҳажмли)га 10 кг (1 ҳисса) сўндирилмаган оҳак солинади ва у озроқ сувда сўндирилади. Шундан сўнг сув қуйиб, ёғоч кураклар ёрдамида ундан куюқ «бўтқа» ҳосил бўлгунга қадар аралаштирилади. Оҳак таркибидаги тошсимон моддалар ажратиб олинади. Тарозида уларнинг солиштирма оғирлиги аниқланиб, шунча микдорда сўндирилган оҳак қўшилади. Аралашмани куракчалар ёрдамида тўхтовсиз аралаштириб турган ҳолатда унга 2 ҳисса (20 кг) олтингугурт кукунидан қўшилади, сўнгра 17 ҳисса (170 л)гача сув қуйилади. Шундан кейин қозондаги аралашма ўтин, кўмир ёки табиий газ ёрдамида қиздирилади. Баъзи жойларда бунинг учун электр энергиясидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Қозондаги аралашма қайнаб чиққандан сўнг қайнатиш 70 минутга қадар давом эттирилади. Бу даврда буғланиб

кетган сувнинг ўрнига ҳар 15 минутда аввалдан белгиланган белгига қадар сув қўшилади. Сув қўшиш жараёни қайнатиш охирига 15 минут қолгунга қадар давом эттирилади.

Бунда ООҚнинг қизил-пушти тусдаги «она суюқлиги» ҳосил бўлади. Ушбу суюқликнинг сифати унинг таркибидаги кальций полисульфиди ( $\text{CaSFSx}$ )нинг миқдорига боғлиқ.

ООҚнинг қуввати (сифати) Боме градуслари ёрдамида белгиланади. Бироқ сотувда бундай градусник йўқлиги учун ООҚнинг қуввати унинг таркибидаги моддаларнинг солиштирма оғирлигига қараб белгиланади. Бунинг учун ООҚ «она суюқлиги»дан 1000 мл (1 л) ўлчаб олинади ва тарозида унинг соф оғирлиги аниқланади. Сўнгра у 1000 га бўлинади. Олинган натижа ушбу «она суюқлик»нинг солиштирма оғирлигини кўрсатади.

Солиштирма оғирлиги  $1,285$  (Боме градуси бўйича  $32^{\circ}\text{C}$  ли) бўлган «она суюқлик» юқори сифатли ООҚ хисобланади. Бироқ кўпланилган оҳакнинг сифати турлича (кўпинча пастроқ) бўлганлиги ( $\text{CaO}$ нинг миқдорига кўра) сабабли хўжаликлар шароитида тайёрланган ООҚ «она суюқлиги»нинг солиштирма оғирлиги  $1,099 - 1,116$  (Боме градуси бўйича  $13-15^{\circ}\text{C}$  ли)дан ортиқ бўлмайди.

Тайёр ООҚ «она суюқлиги»нинг устки қисми бирорта минерал мой (керосин, солярка мойи, дизел ёқилғиси ва ҳ.к.) билан қопланиб, оғзи маҳкам беркитиладиган шиша идишларда сақланади.

ООҚ тўғридан-тўғри ишлатилмайди. Қўллаш учун у маълум миқдорда сув билан аралаштирилиб, ишчи суюқлиги тайёрланади ва мана шу суюқлик сепилади. Бунда асосан Боме градуси бўйича  $0,5-1^{\circ}\text{C}$  ли суюқлик тайёрланади. Масалан, Боме бўйича 100 л  $1^{\circ}\text{C}$  ли ООҚнинг ишчи суюқлигини «она суюқлик»дан тайёрлаш учун ундан 4,3 л ўлчаб олиб, уни ҳажми сув билан 100 л га қадар өтказилиади.

## **ЧИГИТИ ПЛЁНКА ОСТИГА ЭКИЛГАН ФЎЗАЛАРГА «СОЖЕАН» ПРЕПАРАТИ БИЛАН ИШЛОВ БЕРИШ**

Чигитни плёнка остига экиш технологиясида фўзага нисбатан «СОЖЕАН» стимуляторини ва унга тенглаштирилган препаратларни кўллаш муҳим агротехник тадбирлардан биридир.

Ўсишни бошқарувчи «СОЖЕАН»(мепикват-хлорид) препарати ичдан таъсир этувчи препаратлар турига мансуб. У фўза барги орқали шимилиб, бутун ўсимликка ўтади.

Номи хитой тилида «бўғин қисқартирувчи» деган маънодианглатадиган ушбу препарат фўза ғовлаб кетишининг олдини олади. Бунинг натижасида фўзанинг пастки қисмида асосий кўсаклар пайдо бўлиб, улар эрта очилади ва юқори ҳосил олишга имконият яратилади.

«СОЖЕАН»нинг таъсир этувчи моддаси 96 фоизлик техник мепикват-хлорид бўлиб, оқ рангли, ҳидсиз, тузга ўхшаб яхши эрийди.

Чигитни плёнка остига экиш технологияси асосида парваришланётган фўза тез ўсади, барвақт шоналайди ва гуллайди. Шунинг учун фўзанинг ўсишини бошқариш заруратга айланади. Технология талаби бўйича фўза етарли микдорда мева тугиши ва барча мевалар тўлиқ пишиб етилиши учун ўсимликнинг бўйи кўпига билан 80-85 см дан ошмаслиги керак. Айнан шу ўринда «СОЖЕАН» препарати жуда аскотади.

Плёнка остидаги ер юзасининг юқори қисмида нам доимо етарли бўлганлиги туфайли ўсимлик илдизи мана шу юзада шаклланади. «СОЖЕАН» препаратини кўллаш эса фўза илдизининг ривожланишини ва чукур кетишини тезлаштиради. Шу билан бирга ҳосилнинг пишиши сезиларли даражада тезлашади. Кўсак вазни ортиб, ҳосил сифати яхшилаади.

«СОЖЕАН» тупроққа солинган азотли ҳамда фосфорли ўғитлар самарадорлигини оширади, ўсимликдаги бўғинлар

оралигини қисқартириб, озиқ моддалар нишона, гул ва меваларга түғри етиб боришни таъминлайди.

### «СОЖЕАН»ни қўллаш

«СОЖЕАН» препарати ғўза ўсишини бошқариш учун бир мавсумда 3 марта ишлатилади.

Биринчи марта - ғўза 6-7-8 та чинбарг чиқарип шоналаганда илдиз қисмининг ривожланишини ва гулбарглар ажралишини тезлаштириш, баргларини қалинлаштириш учун ҳар гектар майдонга 15 граммдан сепилади.

Иккинчи марта - гул кўринганда ғўзани бақувват қилиш, шоналарини кўпайтириш, гуллашини тезлатиш учун гектарига 45 граммдан ишлатилади.

Учинчи марта - кўсак туғиши бошланганда ғўза шохларининг знига ва бўйига ўсиши (ғовлаши)ни, унумли гул ва шоналарининг тўкилишини ва унумсиз шохларининг ўсишини тўхтатиш мақсадида гектарига 90 грамм сепилади.

### «СОЖЕАН»ни ишлатиш учун тайёрлаш

«СОЖЕАН» препаратининг 15 грамми (2 та 10 граммли пакетдаги препаратнинг бир ярим пакети) маълум микдордаги ёки 10 литр сувга солиб эритилади. Ҳосил бўлган ишчи эритмани 290 литр сувга аралаштириб (жами 300 литр), бир гектар экин майдонига сепиш тавсия килинади. Агрегатнинг ҳар иккала баки учун 30 грамм препаратдан тайёрланган 20 литр ишчи эритма 580 литр сувга аралаштирилади ва 2 гектар майдонга сепилади. Меъёрни түғри белгилаш учун иккала бакка сув тўлдириб сепиб кўриш ҳам мумкин.

«СОЖЕАН»нинг таъсири у сепилган ғўзапардаги ўзгаришларни кузатиш орқали аниқланади. Препарат сепилгандан 3-6 кун ўтгач, ғўза барглари тўқ яшил тусга киради. Ўсимликнинг вертикал ўсиши тўхтайди, бўйинлар ора-

лиги қисқа, ғұза бақувват, учидаги ўсиш нүктаси икки томондаги катта баргидан паст бўлади. Ҳар гектар майдондаги ғұза тупининг сони кўп бўлишига қарамай, уларнинг ривожланишига шароит яратилади.

Бу препарат қўлланилган далаларда ғўзанинг вилт ка-саллигига чалиниши ҳамда кўсак чириш ҳоллари камаяди. Ғұза пайкалларида кўл ва машина теримиға, дефолиацияга кулай шароит вужудга келади.

Юқорида қайд этилган меъёр сув ва ўғит билан етарли таъминланган майдонларга мўлжалланган. Бундай омиллар билан нормал таъминланмаган майдонларда ушбу меъёрни мувофик равишда (бир гектар ерга 150 грамм ўрнига 100 грамм атрофида) камайтириш мақсадга мувофиқдир.

*Препаратни сувдан қолган ёки қўллатиб сугорилган гўзаларга селиш тавсия этилмайди.*

Препаратни сепиша уни сарфлаш микдорига қатъий риоя қилиш шарт. Чунки оз сепилса, таъсир қилмайди, аксинча, меъёрдан ортиқ сепилса, ғўзани қуидиради ва қотириб қўяди.

Препаратни сепиши даврида ғўзада шира, трипс, ўргимчакканда ва бошқа заараркунандалар бўлса, бундай заараркунандаларга қарши кураш учун тавсия этилган препаратлардан бирини у билан бирга сепиши мақсадга мувофиқдир. Бундай ишчи эритмани шу заҳоти ишлатиб юбориш зарур.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, айрим ҳудудларда баъзи хўжалик раҳбарлари, мутахассислари «Бизда ғұза ўсиб кетмайди, шунинг учун препаратни ишлатмасак ҳам бўлади», деб ўйлайдилар. Бу - мутлақо нотўри фикр. Негаки «СОЖЕАН» препаратининг ғұза ўсишини бошқаришдан ташқари юқорида кўрсатиб ўтилган фойдалари томонлари ҳам бор. Уларни унумласлик керак.

«СОЖЕАН»ни қўллашда имкон қадар штангали пурка-гичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бундай пуркагичларда препарат бир текис ва унумли сепилади.

Кўпчилик ширкат хўжаликларида ва муқобил МТПларда асосан осма пуркагичлар мавжуд бўлиб, уларни самарали ишлатиш учун механизаторлар маҳорат кўрсатишлари талаб этилади. Бу ўринда биринчи галда пуркагич қандай ўлчамдаги қатор оралиғига ишлов берадиган чопик тракторига осилиши ҳисобга олиниши зарур. Пуркагичга ўрнатилган «наконечнику»ларнинг тешикчалари тўғри созла ниши ва улар тўла ишлаши, препарат томчилаб эмас, буғ каби сепилиши таъминланиши керак.

Тракторнинг тезлигини, пуркагичнинг айланиш меъёрини ҳам ҳисобга олиш лозим. Пуркагичнинг қайтаётганда тўхтаб қолиш ҳолларига йўл қўймаслик зарур. Трактор кетаётганда сепилган чокларнинг бир-бирига уланишига алоҳида аҳамият бериш даркор. Препарат сепилган чоклар устига яна сепилса, бу ўша қаторлардаги ғўзаларга салбий таъсири кўрсатади. Айрим майдонларга препаратни қўл аппарати билан сепиш жорий қилинади.

Ҳар иккала ҳолатда ҳам хавфсизлик техникаси ва меҳнат муҳофазаси қоидаларига қатъий риоя қилиниши шарт.

Ширкат хўжалиги раиси ҳамда фермер хўжалиги раҳбарининг мазкур препарат ғўзага нисбатан тўғри ва са марали қўлланилишини таъминлаш юзасидан энтомолог агрономлар, механизаторлар ҳамда қўл аппаратида ишлов чилар билан ёзма шартнома тузиши муҳим аҳамиятга эга. Бундай шартномада ишнинг йўриқномада кўрсатилганидек бажарилиши учун ҳар иккала томоннинг жавобгарлиги аниқ белгилаб қўйилиши зарур.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. **Каримов И.А.** Декончиллик тараққиёти-фаровонлик манбаи. Тошкент, «Ўзбекистон», 1997 йил.
2. **Каримов И.А.** Қишлоқ хўжалиги тараққиёти - тўкин ҳаёт манбаи. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 йил.
3. **Каримов И.А.** 2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишини тугаллаш ва 2001 йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга доир кечикириб бўлмайдиган вазифалар. Тошкент, 2000 йил, октябр.
4. **Каримов И.А.** Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг ялпи мажлисидаги маъруза, 1996 йил, 7 ноябр.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ғўзани плёнка остида ўстиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги 410-сонли қарори, 1996 йил, 22 ноябр.
6. **Бегалиев С.** Андикон дехқончилиги шуҳратини кўтариш ўз қўлимизда. «Андижоннома», 2006 йил, 21 март.
7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан 1997 йил 18 марта тасдиқланган «Пахтачилиқда Андикон услуби - плёнка остига чигит экиб пахта етишириш технологияси».
8. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси Давлат патент идорасининг 1997 йил, 1-сонли расмий ахборотномаси, 8-бет (II) 4055.
9. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг «Давлат патент экспертизаси тўғрисида»ги қарори. 1998 йил, 18 феврал..
10. **Орлова Т.** Сев под плёнкой: уроки минувшего года. «Народное слово», 24 февраля 1998 года.
11. **Абдураимов О.** Плёнка остига чигит экиш ва мўл ҳосил етишириш технологияси самараси, Самарқанд, 2002 йил.
13. **Якубжонов О., Баҳромов С.** Плёнка остига чигит экиб, пахта етишириш технологияси, «Андижон нашриёт-матбაа» ОАЖ, 2005 йил.
14. **Обидов Қ., Султонов М.** Пахтачилиқда Андикон услуби: чигитни плёнка остига экиш ва унинг самарадорлиги, Қўлланма. Тошкент-1996 йил.
15. **Султонов М., Қабилов И.** Андикон технологияси - пахтачилик истикболи. Андикон, 1997.
16. **Орипов Р., Остонов С.** Пахтачилик. Самарқанд, 1997 йил.
17. **Дадабоев Ю., Солиев А.** ва бошқалар. Фермер хўжалиги иқтисоди.
18. **Султонов М.** Чигитни плёнка остига экиш усули. «Халқ сўзи» 1996 йил, 18 феврал.
19. **Султонов М.** Пятнадцать условий эффективности технологии и достижения высокой эффективности. «Сельское хозяйство Узбекистана», № 4, 2000 г.
20. **Каримов Х.** «Плёнка афзалигини била туриб, ўзимизда ҳафсала етишмади». «Халқ сўзи» 2000 йил, 1 ноябр.

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b>	<b>3</b>
Технологиянинг агротехник талаблари ва уларни бажариш юзасидан тавсиялар	6
Чигитни плёнка остига экиш учун майдон танлаш	6
Далаларни рўзапоя ва кўп йиллик бегона ўтлар қолдиқларидан тозалаш	6
Дала четларини ва ариқларни текислаш	7
Шартнома тузиш	7
Технологияни жорий этишда унинг иқтисодий самарадорлигини хисобга олиш	8
Технологияни жорий этиш бўйича ўқув ташкил этиш	8
Кузги шудгорлашдан олдин далаларга минерал ва маҳаллий ўйтлар солиш	8
Ерларни кузда шудгорлаш	9
Шудгорда ҳосил бўлган баланд-пастликларни ва дала четларини текислаш	9
Экин экиладиган майдонларни жорий текислаш	9
Пушта олишдан олдин ерларни текислаш	10
Пушта олиш	10
Пуштага ишлов бериш	10
Пушта олинмаган майдонларга ишлов бериш	10
Нам тўплаш суви берилмайдиган ва шўри ювилмайдиган далаларни экишга тайёрлаш	10
Нам тўплаш суви бериладиган ва шўри ювиладиган далаларни экишга тайёрлаш	11
Нав танлаш ва уруғлик чигитни экишга тайёрлаш	11
Полиэтилен плёнкага кўйиладиган талаблар	11
Плёнка остига чигит экадиган сеялкапарни ишга тайёрлаш	12
Плёнка остига чигит экиш муддатини аниқлаш	13
Плёнка остига чигит экиш	13
Экиш сифатини назорат қилиш	15
Ғўзани яганалаш	15
Ғўза қатор ораларига биринчи ишлов бериш	16
Ғўза қатор ораларида навбатдаги ишловларни ўтказиш	17
Плёнкани йигиштириб олиш	17
Ғўзани озиқлантириш меъёри	17
Ғўзани сүфориш меъёри ва тартиби	18
Ғўза ўсувини бошқарувчи «СОЖЕАН» стимуляторидан фойдаланиш	19

Fұзани чилпиш	20
Fұза зарапқунандалари ва касалликларига қарши кураш	20
Сүспензия сепиш	20
Fұзани дефолиация қилиш	21
Пахта ҳосилини йигіб-териб олиш	21
Түпроқни екишга сифатли тайёрлаш	22
Оптингүргүрт оқакли қайнатмаси (ООҚ-ИСО)ни тайёрлаш	27
Чигити плёнка остига әкілгап ғұзаларга «СОЖЕАН» препарати билан ишлов бериш	29
«СОЖЕАН»ни күллаш	30
«СОЖЕАН»ни ишлатиш учун тайёрлаш	30
Фойдаланылған адабиётлар	33

*О.Абдураимов, М.Султонов*

**ЧИГИТНИ ПЛЁНКА ОСТИГА  
ЭКИШ ТЕХНОЛОГИЯСИННИГ  
АГРОТЕХНИК ТАЛАБЛАРИ ВА  
УЛАРНИ БАЖАРИШ ЙЎЛЛАРИ**

(Қўлланма)

Муҳаррир:	М. Худоёров
Техник муҳаррир:	М. Мирзакаримова
Мусаҳҳих:	Н. Тожиматова
Компьютер оператори:	Ҳ. Парпиев

2006 йил 12 апрелда босмахонага топширилди. 2006 йил 28 апрелда босиша руҳсат этилди. Бичими: 60x84 1/<sub>16</sub>. INSL Arial гарнитураси. Офсет босма. 2,5 шартли б.т.. Адади 10000 нусха. Буюртма № 698. Баҳоси шартнома асосида.

**«ANDIJON NASHRIYOT-MATVAA» ОАЖ  
босмахонасида босилди.  
710000, Андижон шаҳри, Навоий шоҳкӯчаси, 71.**